

Умар розияллоху анхунинг вақфи



09:41 / 06.06.2025 2151

Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насайлар Ибн Умар розияллоху анхундан ривоят қиладилар:

«Умар Хайбардан ерга эга бўлди. Сўнг у ҳақда маслаҳат қилиш учун Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

Эй Аллоҳнинг Расули, мен Хайбардан ерга эга бўлдим. Мен ҳеч қачон ундан нафисроқ молга эга бўлмаганман. Уни нима қилишга амр қиласиз?» деди.

У зот соллаллоху алайҳи васаллам: «Агар хоҳласанг, аслини тутиб қолиб, (фойдасини) садақа қиласан», дедилар.

Бас, Умар уни сотилмаслиги, сотиб олинмаслиги, мерос қилинмаслиги ва ҳадя қилинмаслиги шарти билан садақа қилди.

Умар уни фақирларга, қариндошларига, қулларга, Аллоҳнинг йўлига, ибн сабийлга, меҳмонга садақа қилди. Ким унга валий (нозир) бўлса, маъруф йўли билан ундан еса ёки дўстига егизса, гуноҳ эмас. Уни ўзига мулк қилиб олмаса бўлди».

Хайбар ери мусулмонларга бўлиб берилганида Умар розияллоҳу анҳуга ҳам ундан маълум миқдор теккан.

Имом Абу Довуд Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Муъайқиб ёзди, Абдуллоҳ ибн Арқам гувоҳ бўлди:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Бу – Аллоҳнинг бандаси Умар, яъни амирал мўминининг васият қилган нарсасидир. Агар унга бир нарса бўлса, Ҳафса умрининг охиригача Самғ, Сорма ибн Акваъ ва ундаги қул ҳамда Хайбардаги юз улуш, ундаги рафиқи ила ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам унга таом учун берган водийдаги юзларга, яъни васаққа (бир васақ – 130,560 кг) қарайди. Сўнгра унинг аҳлидан фикр эгаси бўлгани қарайди. Сотилмайди, сотиб олинмайди, ўз билганича соилга, маҳрумга, қариндошларга нафақа қилади. Унга васий (нозир) бўлгани учун агар ўзи еса, бировга егизса ёки қул сотиб олса танглик йўқ».

Ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида Хайбардан ўзларига теккан ерларни вақф қилган эдилар.

Кейинчалик эса ўша ерларни ва ушбу ривоятда зикр қилинган мулкларни вақф қилиб, ёздириб қўйган эканлар. Бу ишни ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг халифалик вақтларидаги котиблари Муъайқиб розияллоҳу анҳу амалга оширганлар. Абдуллоҳ ибн ал-Арқам розияллоҳу анҳу эса бунга гувоҳ бўлганлар.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу вақф ҳужжатида ёздириб қўйган нарсаларнинг баъзиларини шарҳ қилиб ўтишга тўғри келади.

«Агар унга бир нарса бўлса» жумласи «у вафот этса» маъносини англатади.

«Самғ ва Сорма ибн Акваъ» – Умар розияллоҳу анҳунинг Мадинаи Мунавварадаги икки кўчмас мулкларининг номи.

«Хайбардаги юз улуш», яъни Хайбарнинг ерлари мусулмонларга бўлиб берилганида ҳазрати Умарга ўлжа сифатида теккан улуш.

Аввалги ривоятда зикри келган, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маслаҳатлари билан вақф қилинган ер худди шу ердир. Ўша пайтда вақф қилинган бўлса ҳам, ҳужжатга кейин киритилган.

«**Водий**»дан мурод, Мадина билан Шом орасидаги Мадинага қарашли қишлоқ жой.

«**Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам унга таом учун берган водийдаги юз васақ**», яъни мазкур водийдан чиқадиган маҳсулни ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақдор мусулмонларга бўлиб берганларида ҳазрати Умар розияллоҳу анҳуга ҳар йили юз васақ миқдорида берилишини тайин қилганларини англатади.

«**Ҳафса... умрининг охиригача қарайди**» жумласи «**Ҳафса унга нозир (бошқарувчи) бўлади**» деган маънода ёзилган.

Мусулмонлар Ислом таълимотларига амал қилган пайтларида Ислом оламининг турли нуқталарида бева-бечора, камбағал, йўловчи, толиби илм, ҳожи, қариндош-уруғ ва бошқалар фойдасига қилинган вақфлар жуда ҳам кўп бўлган. Ана шу вақфлар мазкур соҳалар учун доимий даромад манбаи бўлиб хизмат қилган. Ҳатто адашиб қолган, соғлиги йўқолган ҳайвонлар, ит-мушукларга аталган вақфлар ҳам бўлган. Шунинг учун мазкур тоифаларга қарашли молиявий муаммолар доимий равишда муваффақият билан ҳал қилиб келинган.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 21-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 14 сентябрдаги 0307/7030-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.